

Узрли ҳолатда хутба вақтида ҳам ҳаракат қилиш жоиз



09:40 / 29.03.2019 2355

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилаётган эдилар. Бирдан Ҳасан ва Ҳусайн устиларида қизил кўйлак билан қоқилиб, йиқилиб кела бошладилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушдилар-да, икковларини кўтариб олиб, олдиларига қўйдилар ва: «Аллоҳ тўғри айтади: «Албатта, молларингиз ва болаларингиз фитнадир». Бу икки гўдакка қарасам, қоқилиб, йиқилиб келишмоқда, сабр қилолмай, гапимни бўлиб, икковини кўтариб олдим», - дедилар».

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан